

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

151 Умумий овқатланиш корхоналари томонидан алко- голли маҳсулотлар сотиш тартибини такомиллашти- риш чора-тадбирлари тўғрисида

Вазирлар Маҳкамасининг «Чакана савдо ва умумий овқатланиш соҳа-
сида «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол
қилинишини чеклаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга
ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2012 йил 7 мартдаги 65-сон қарорига
мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Белгилаб қўйилсинки:

умумий овқатланиш корхоналари томонидан алкоғолли маҳсулотлар
фақат алкоғолли маҳсулотларни сотиш ҳуқуқи учун рухсат гувоҳномалари
асосида сотилади;

умумий овқатланиш корхоналари томонидан алкоғолли маҳсулотларни
сотиш ҳуқуқи учун ойига энг кам ойлик иш ҳақининг 5 баравари миқдориди
йиғим ундирилади, тушган маблағлар кейинчалик Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган тартибда тақсимланади.

2. Умумий овқатланиш корхоналари томонидан алкоғолли маҳсулотлар-
ни сотиш ҳуқуқи учун рухсат гувоҳномалари бериш функциялари Қорақал-
поғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар
ҳокимликлари ҳузуридаги алкоғолли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш
ҳуқуқи учун рухсат гувоҳномалари бериш бўйича махсус комиссияларга
юклансин.

3. Умумий овқатланиш корхоналари томонидан алкоғолли маҳсулотлар-
ни сотиш ҳуқуқи учун рухсат гувоҳномаси бериш тартиби тўғрисидаги низом
иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси умумий овқатла-
ниш корхоналари томонидан ушбу қарор талабларига изчил риоя этилиши
юзасидан қатъий назоратни таъминласин ҳамда алкоғолли маҳсулотларни
сотишда ҳуқуқ бузилишларига йўл қўйган шахсларни жавобгарликка тор-
тиш чораларини кўрсин.

5. «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмаси Қорақалпоғис-
тон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳоким-
ликларининг буюртманомалари бўйича тегишли ҳимояланиш даражаларига
эга бўлган махсус бланкаларда алкоғолли маҳсулотларни сотиш ҳуқуқи учун

рухсат гувоҳномаларининг зарур миқдорда тайёрлаб берилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2012 йил 28 март,
89-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2012 йил 28 мартдаги 89-сон қарорига
ИЛОВА

**Умумий овқатланиш корхоналари томонидан алкогольли
маҳсулотларни сотиш ҳуқуқи учун рухсат гувоҳномаси
бериш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом умумий овқатланиш корхоналари томонидан алкогольли маҳсулотларни сотиш ҳуқуқи учун рухсат гувоҳномаси (кейинги ўринларда рухсат гувоҳномаси деб аталади) бериш тартибини белгилайди.

2. Умумий овқатланиш корхоналари алкогольли маҳсулотларни сотишни фақат ушбу Низомга мувофиқ берилган рухсат гувоҳномаси мавжуд бўлгандагина амалга оширадилар.

3. Рухсат гувоҳномаси бериш (амал қилиш муддатини 10 кунгача тўхтатиб туриш, шунингдек амал қилиш муддатини тўхтатиш, уни бекор қилиш юзасидан суд тартиботини бошлаш) тўғрисидаги қарор Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги алкогольли маҳсулотларни чакана сотиш ҳуқуқи учун рухсат гувоҳномалари бериш бўйича махсус комиссиялар (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) томонидан қабул қилинади.

Ҳужжатларни қабул қилиш, улар бўйича Комиссия хулосалари ва қарорлари лойиҳаларини тайёрлаш туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги алкогольли маҳсулотларни чакана сотиш ҳуқуқи учун рухсат гувоҳномалари

олишга оид ҳужжатларни кўриб чиқиш комиссиялари (кейинги ўринларда ишчи орган деб аталади) томонидан амалга оширилади.

Умумий овқатланиш корхоналари томонидан алкоғолли маҳсулотларни сотиш ҳуқуқи учун ҳар ойда энг кам ойлик иш ҳақининг 5 баравари миқдорида йиғим ундирилади, тушган маблағлар кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда тақсимланади.

4. Рухсат гувоҳномаси ҳар бир умумий овқатланиш объекти учун аризада кўрсатилган муддатга, лекин кўпи билан икки йил муддатга, ушбу Низомга 1 ва 2-иловаларга мувофиқ схема ва шакл бўйича берилади.

II. Рухсат гувоҳномаси олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар

5. Рухсат гувоҳномаси олиш учун умумий овқатланиш корхонаси ўзи жойлашган жойдаги ишчи органга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

рухсат гувоҳномаси олиш учун ариза, унда умумий овқатланиш корхонасининг ташкилий-ҳуқуқий шакли ва номи, унинг жойлашган жойи (почта манзили), банкнинг номи ва банкдаги ҳисоб-китоб рақами кўрсатилади;

умумий овқатланиш корхонасининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

рухсат гувоҳномаси олиш учун ариза бериш вақтига келиб шаҳарларда — энг кам ойлик иш ҳақининг камида 100 баравари миқдорида ҳамда қишлоқ жойларда ва узоқ тоғли туманларда — энг кам ойлик иш ҳақининг камида 50 баравари миқдорида шакллантирилган устав фондининг мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси. Агар устав фонди пул шаклида шакллантирилган бўлса — бу тўғридаги тасдиқловчи ҳужжат хизмат кўрсатувчи банк томонидан берилади. Устав жамғармаси бошқача мулк билан шакллантирилган тақдирда ушбу мулкка эгалик ҳуқуқини, унинг қийматини ва унинг устав фондига киритилишини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилади;

тегишли ёнғинга қарши, санитария нормалари ва қоидаларига мувофиқ бўлган омборхоналари ва жиҳозлари бўлган ўзининг ёки ижарага олинган умумий овқатланиш объектининг мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси. Умумий овқатланиш корхонаси ўзининг умумий овқатланиш объектига эга бўлган тақдирда унинг томонидан ушбу объектга эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилади. Умумий овқатланиш объекти ижарага олинган бўлса, ижара шартномасидан ташқари, ушбу объектнинг ижарачига тегишлилигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилади. Бунда умумий овқатланиш объектлари ўқув, спорт ва диний муассасалар ҳудудида, жамоат транспорти бекатларида, даволаш-профилактика ва спорт-соғломлаштириш муассасалари ҳудудида, ушбу муассасалар ва ишлаб чиқариш корхоналарининг ошхоналарида жойлашмаслиги керак;

фискаль хотирага эга бўлган назорат-касса машинасининг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида давлат солиқ хизмати органининг маълумотномаси;

хизмат кўрсатувчи банкнинг банк пластик карточкаларидан тўловларни қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалининг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотномаси;

аризада кўрсатилган муддатга мувофиқ рухсат гувоҳномаси берилганлиги учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи банк ҳужжатининг нусхаси.

6. Умумий овқатланиш корхонасидан ушбу Низомнинг 5-бандида назарда тутилмаган ҳужжатларнинг тақдим этилишини талаб қилишга йўл қўйилмайди.

7. Ҳужжатлар ишчи органга бевосита ёхуд уларнинг олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан почта алоқаси воситалари орқали тақдим этилади.

Ҳужжатлар ишчи органнинг масъул шахси томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади, рўйхатнинг нусхаси ҳужжатлар қабул қилинган сана тўғрисидаги белги қўйилган ҳолда ариза берувчига топширилади (юборилади).

Тақдим этилган маълумотларнинг ишончлилиги учун умумий овқатланиш корхонаси — ариза берувчи жавоб беради.

III. Аризаларни ишчи орган томонидан кўриб чиқиш тартиби

8. Ишчи орган тақдим этилган ҳужжатларни 5 иш куни мобайнида ўрганиб чиқади ва уларнинг ишончлилигини, шунингдек ушбу Низомда назарда тутилган талабларга мувофиқлигини аниқлайди.

9. Ишчи органнинг барча аъзолари томонидан бир овоздан қарор қабул қилинган тақдирда рухсат гувоҳномаси бериш тўғрисида Комиссияга таклиф киритилади.

Ишчи орган томонидан Комиссияга ижобий хулоса киритилган тақдирда, хулоса билан бир вақтда, умумий овқатланиш корхонаси томонидан алкоғолли маҳсулотларни сотиш ва нақд тушумни банклар кассасига топширишнинг прогноз ҳажмлари тақдим этилади, уларга ҳар чоракда ишчи орган томонидан тузатишлар киритилади.

IV. Ишчи орган хулосасини кўриб чиқиш ва рухсат гувоҳномасини бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш тартиби

10. Комиссия ишчи орган томонидан тақдим этилган ҳужжатларни 10 иш куни мобайнида ўрганиб чиқади ва Комиссиянинг барча аъзолари томонидан бир овоздан қарор қабул қилинган тақдирда рухсат гувоҳномаси бериш тўғрисида қарор қабул қилади.

Қарор қабул қилингандан сўнг Комиссия умумий овқатланиш корхонасини қабул қилинган қарор тўғрисида 3 иш куни мобайнида хабардор қилади.

11. Рухсат гувоҳномаси Комиссия раиси томонидан имзоланади.

Рухсат гувоҳномаси бланкалари қатъий ҳисобот бериладиган ҳужжатлар ҳисобланади, ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига, химояланганлик даражасига эга бўлади.

Комиссия раиси рухсат гувоҳномаси бланкаларидан мақсадли фойдаланилиши, уларнинг сақланиши ва ҳисобга олиниши юзасидан шахсан жавоб беради.

Рухсат гувоҳномаси бланкаларининг ҳисоби Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан, Берилган рухсатномаларни рўйхатга олиш дафтарида юритилади.

12. Қуйидагилар рухсат гувоҳномаси беришнинг рад этилиши учун асослар ҳисобланади:

умумий овқатланиш корхонаси томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг ушбу Низом талабларига мувофиқ эмаслиги;

зарур тарзда расмийлаштирилмаган ҳужжатларнинг тақдим этилиши;

тақдим этилган ҳужжатларда ишончсиз ёки нотўғри маълумотларнинг мавжудлиги.

Рухсат гувоҳномаси беришнинг бошқа асослар бўйича, шу жумладан мақсадга мувофиқ эмаслиги сабаблари бўйича рад этилишига йўл қўйилмайди.

Умумий овқатланиш корхонаси рухсат гувоҳномаси беришнинг рад этилиши тўғрисидаги қарор юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят билдириш ҳуқуқига эга.

13. Аниқ сабаблари кўрсатилган ҳолда рухсат гувоҳномаси беришнинг рад этилиши тўғрисидаги қарор ёзма шаклда, Комиссия раисининг имзоси билан умумий овқатланиш корхонасига берилади (юборилади). Ушбу қарорда рад этишга сабаб бўлган камчиликларни тугатиш ва ҳужжатларни такроран тақдим этиш учун етарли бўлган муддат кўрсатилади.

V. Рухсат гувоҳномасини қайта расмийлаштириш, унинг амал қилиш муддатини узайтириш, дубликат бериш

14. Умумий овқатланиш корхонаси қайта ташкил этилганда, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарганда умумий овқатланиш корхонаси ёки унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир ҳафта муддатда умумий овқатланиш корхонаси жойлашган жойдаги ишчи органга рухсат гувоҳномасини қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши, аризага кўрсатилган маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилиши керак.

Бу ҳолда рухсат гувоҳномаси қайта расмийлаштирилгунгача умумий овқатланиш корхонаси алкоғолли маҳсулотлар сотишни илгари берилган рухсат гувоҳномаси асосида амалга оширади.

15. Рухсат гувоҳномасини қайта расмийлаштиришда тегишли ўзгартиришлар Берилган рухсатномаларни рўйхатдан ўтказиш дафтарида киритилади. Рухсат гувоҳномасини қайта расмийлаштириш умумий овқатланиш

корхонасининг зарур ҳужжатлар илова қилинган ҳолда рухсат гувоҳномасини қайта расмийлаштириш тўғрисидаги аризаси тушган вақтдан бошлаб 5 иш куни мобайнида ишчи орган томонидан амалга оширилади.

16. Рухсат гувоҳномасининг амал қилиш муддатини узайтириш умумий овқатланиш корхонасининг аризаси бўйича амалга оширилади.

Рухсат гувоҳномасининг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза ишчи органга рухсат гувоҳномасининг амал қилиш муддати ўтишидан 15 кун олдин берилиши керак.

Рухсат гувоҳномасининг амал қилиш муддатини узайтириш ёки муддатини узайтиришни рад этиш тўғрисидаги қарор рухсат гувоҳномаси бериш учун назарда тутилган тартибда қабул қилинади.

17. Йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган, муддати ўтмаган рухсат гувоҳномасининг ўрнига умумий овқатланиш корхонаси аризаси бўйича дубликат берилиши мумкин.

VI. Рухсат гувоҳномасининг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва уни бекор қилиш

18. Давлат солиқ хизмати органларининг тақдимномаси бўйича Комиссия томонидан рухсат гувоҳномасининг амал қилиш муддатини 10 кундан ортиқ бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор умумий овқатланиш корхонасида алкоғолли маҳсулотларни сотиш қоидалари бузилганлиги, шу жумладан нақд пул тушумини инкассация қилишдаги бузилишлар аниқланган тақдирда қабул қилинади.

19. Рухсат гувоҳномасининг амал қилиши таъмирлаш ишлари бажарилиши муносабати билан, шунингдек бошқа шунга ўхшаш ҳолларда вақтинча тўхтатиб турилганда умумий овқатланиш корхонаси бу тўғрида Комиссияни ва давлат солиқ хизмати органини ёзма шаклда хабардор қилиши керак.

20. Рухсат гувоҳномасининг амал қилиши:

умумий овқатланиш корхонаси томонидан алкоғолли маҳсулотларни умумий овқатланиш корхоналарида сотиш қоидалари мунтазам равишда ёхуд бир марта қўпол бузилган тақдирда;

қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолларда суд тартибда тўхтатилиши мумкин.

21. Рухсат гувоҳномаси унинг қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда олинганлиги ҳолати аниқланганда, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилиниши мумкин.

VII. Ушбу Низомнинг бузилганлиги учун жавобгарлик

22. Ушбу Низомнинг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Умумий овқатланиш корхоналари
томонидан алкоғолли маҳсулотларни сотиш
ҳуқуқи учун рухсат гувоҳномаси бериш
тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

**Умумий овқатланиш корхоналари томонидан
алкоғолли маҳсулотларни сотиш ҳуқуқи учун
рухсат гувоҳномаси бериш
СХЕМАСИ**



Умумий овқатланиш корхоналари
томонидан алкогольли маҳсулотларни сотиш
ҳуқуқи учун рухсат гувоҳномаси бериш
тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси
герби

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

(Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари)

Бланка серияси ва тартиб рақами

Умумий овқатланиш корхонаси томонидан алкогольли
маҳсулотларни сотиш ҳуқуқи учун
РУХСАТ ГУВОҲНОМАСИ

20 ___ йил « ___ » _____ № _____

_____ га берилди.

(юридик шахснинг тўлиқ номи)

Почта манзили _____

СТИР _____

ХХТУТ коди _____

НКМ _____ ДСИда _____ тартиб
рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

_____ манзилида жойлашган умумий овқат-
ланиш объектида алкогольли маҳсулотлар сотишни амалга ошириш ҳуқуқи
берилди.

Умумий овқатланиш корхоналари томонидан алкогольли маҳсулотлар
сотишни амалга ошириш ҳуқуқи учун белгиланган талабларга мувофиқдир,
20 ___ йил « ___ » _____ гача берилган.

Объектнинг эгаси _____

(юридик шахснинг тўлиқ номи)

Объектдан фойдаланувчи _____

(объектдан фойдаланувчи юридик шахснинг номи)

14 (514)-сон

— 11 —

151-152-моддалар

Алоҳида шартлар _____

Комиссия раиси _____

(имзо)

М.Ў.

Изоҳ: Рухсат гувоҳномаси ҳар бир умумий овқатланиш объектига алоҳида бериледи. Нотариус томонидан тасдиқланмаган рухсат гувоҳномаси нусхаси ҳақиқий ҳисобланмайди.